НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 13-fevral, payshanba, 19 (23.299)-son

Кун ҳикмати

Лаганбардорлик санъат, уни ҳазм қилиш эса зарарли иллатдир

14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

Ҳаёти жасорат намуналари билан тўла

Яхшилиғ чун қилмадинг, бори ёмонлиғ қилмағил.
* * *
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.
* * *
Олам боғида топмоқ, гули бехор мушкулдур.
* * *
Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи...
* * *
Айшеки ўтти — ўзга ани зикр айлама,
Ҳар нимаики йитти — сўроқиға арзимас.
* * *
Кимки, ондин яхши йўқ,
Кўз тутма ондин яхшилиғ!
* * *
Гар иликтин келса,
бир дамни кечурманг ғам била.
* * *
Ҳаргиз рост келмас ишқ донолиғ била.

Буюк темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёт йўли, тақдири, ижоди, дунёқараши мураккаб сиймодир. Таниқли шарқшунос Н.Веселовский ибораси билан айтганда, "Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган: унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди".

Бобур борган ерида ободончилик, боғ-у роғлар барпо этганлиги кўп манбалардан маълум. Шунингдек, унинг ўз оиласи, қариндошлари ва яқин кишиларига муносабати ҳам биз учун ибратлидир. Бобур асарларини, айниқса, "Бобурнома"ни ўқир эканмиз, уларда инсон тарбияси, отанинг фарзандларга ғамхўрлиги кўз олдимизда намоён бўлади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур энг аввало, фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор берган. У бутун умри давомида ўғиллари - Ҳумоюн, Комрон, Аскарий ва Ҳиндолга насиҳатлар қилар экан, уларни салтанат бирлиги учун бирлашишларини истайди, ёши улуғларга эҳтиром кўрсатишга ундайди.

Ҳумоюн нафақат оиладаги бош фарзанд, балки тахт вориси. Бобур унинг комил инсон бўлишини истаб, панд-у насиҳат қилади:

4-саҳифа »»

Юртимиз бўйлаб

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 февраль куни коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 февраль куни маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида республикамизда маҳалла ва оила масалалари вазирлиги ташкил этилишини таъкидлади.
- Ўзбекистон коронавирусга қарши курашиш мақсадида Хитойга тиббий буюмлар шаклида инсонпарварлик ёрдами юборди.

Матбуот анжумани

Ўқитувчиларнинг иш ҳақи 2019 йил 1 январдан 1,5 баравар ошди. Ушбу касб мақомини ошириш юзасидан кўрилган чоралар натижасида халқ таълими тизимига 873 нафар эркак ўқитувчи мактабларга қайтиб, фаолият юрита бошлади. Олис ҳудудлардаги мактаблар педагог кадрларининг меҳнатини рағбатлантириш шартлари белгиланди ва натижада уларга 50 фоизгача қўшимча ойлик устамалар берилмоқда. Бу ўз навбатида 128 нафар ўқитувчига бўлган эҳтиёжни қоплаш имкониятини берди.

Ўқитувчининг мақоми ошди, савияси-чи?

Вилоят халқ таълими тизимида шу ва шунга ўхшаш бир қатор ижобий кўрсаткичлар, амалга оширилаётган ишларни санасангиз, саҳифага сиғмайди. Аммо шундай бўлса-да, нега тизимда муаммолар кўп, уларни бартараф этишда қандай ишлар олиб борилмоқда?

Вилоят матбуот уйида халқ таълими бошқармаси бошлиғи Саидаҳмад Усмонов ва тизим масъуллари иштирокидаги матбуот анжуманида шу каби саволларга жавоб изланди.

- Ўқитувчилар обрў-эътиборини, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган ишларни бутун жамоатчилик кўриб турибди, деб ўйлайман, - дейди С.Усмонов. – Ўтган йиллар давомида халқ таълими тизимини ислоҳ этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та фармони, 5 та қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатлар тизимда жиддий ислоҳотларни бошлаб берди. Ўқитувчиларнинг мажбурий меҳнатига барҳам берилди, уларнинг ойлик маоши сезиларли ошди ва ҳоказо. Ўқитувчилар томонидан топшириладиган ҳисоботларга кўп вақт (кунига 4 соат) кетишининг олдини олиш мақсадида ҳисоботлар 7 тадан 3 тага қисқартирилди.

"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2019" республика кўрик-танловини вилоят босқичида 13 та фан йўналишида 183 нафар ўқитувчи иштирок этди. Республика босқичида 12 нафар ўқитувчи қатнашиб якуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилояти республикада 3-ўринни қўлга киритди.

Афсуски, бу каби ижобий кўрсаткичлар билан бирга ўқитувчиларнинг барчаси ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, ҳатто дарс бериш учун билим савияси етарли эмаслиги бор гап. Бунинг учун мактаблар рейтингини ташкил қилиш, ўқитувчилар ўртасида беллашувлар, танловлар ўтказиш каби бир қатор чораларни белгилаганмиз.

Анжуманда тизимда олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда ёритилаётган мактаблар фаолияти билан боғлиқ воқеаларга ҳам муносабат билдирилди.

Гулруҳ МЎМИНОВА.

Ана, холос!

Бири бор экан, бири йўқ экан...

Ёхуд Бешкондаги мактаб нега 330 ўринли бўлиб қолган?

Яқин ўтган замонда, яъни 2005 йилда Ургут туманининг Бешкон маҳалласида 44-умумий ўрта таълим мактабининг янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилган экан. Орадан 15 йилга яқин вақт ўтибдики, бу замонавий мактаб маҳалла аҳли фарзандларига хизмат қилиб келмоқда. Мактабнинг эски биноси ҳақида гап кетса, ёш авлод эртак деб ўйлаши табиий. Сабаби у ёғочдан қурилган қадимий бино бўлган экан.

3-саҳифа »»

Ноқонуний қурилиш ва ташқи реклама воситалари

тарихий шаҳар кўркини бузади

Вилоят ҳокимлиги, вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрининг Ўзбекистон кўчасидаги ноқонуний қурилишлар ва шаҳардаги ташқи реклама воситаларини ўрганишга бағишланган пресс-тур ташкил этилди.

Журналист ва блогерлар Ўзбекистон кўчасида «Зафар-Шаҳрам-Бунёдкор» МЧЖ ҳамда фуқаро М.Саидова томонидан ноқонуний равишда қурилган кўп қаватли уйлар билан таништирилди.

Мазкур маҳалладаги 65 ҳамда 67-кўп қаватли уйлар шаҳар тарихий қисмининг муҳофаза зонасида жойлашганлиги учун шаҳар ҳокимининг қарори билан қурилиши тўхтатилган. Аммо «Зафар-Шаҳрам-Бунёдкор» МЧЖ томонидан 65-уйнинг баландлигини лойиҳада белгиланганидек 15 метр эмас, 21 метр қилиб қурилган. Вилоят иқтисодий судининг 2020 йил 13 январдаги қарорига кўра, иморатнинг қўшимча 6 метр баландликдаги қисми бузилиши керак.

- Фуқаро М.Саидовага шаҳар ҳокимининг қарори билан «Ўзбекистон» маҳалласи марказини қуриб бериш шарти билан 3 қаватли тураржой биносини қуришга рухсат берилган эди, - дейди Самарқанд шаҳар ҳокимлиги мутахассиси Феруз Нажмиддинов. - Аммо бу ерда ҳам қонунбузилиш ҳолатлари юз берган. Тадбиркор 3 қават ўрнига 4 қаватли, 24 хонадонли тураржой биносини бунёд этган. Маданий меърос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг ишчи гуруҳи томонидан мазкур уй-жой биноси ҳам Самарқанд шаҳрининг тарихий қўриқланадиган муҳофаза ҳудудида жойлашганлиги сабабли бинонинг умумий баландлигини 11,5 метрдан оширмаслик ҳамда қуриб битказилган 4-қаватни бузиш бўйича хулоса берилган.

Пресс-тур иштирокчилари шаҳар кўчаларидаги ташқи рекламаларни жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартибларини ўрганди.

Ҳозирги пайтда ҳудудда шаҳар ҳокимлиги билан тадбиркорлар ўртасида вақтинча тузилган шартнома асосида 373 та билборд, 28 та брэндмаур (биноларнинг девор қисмида ўрнатилган панно), 23 та катта ва 81 та кичик ледмонитор, 13 та призматрон ҳамда 19 та том қурилмалари ўрнатилган. Бугунги кунгача ушбу ташқи реклама воситаларидан шаҳар бюджетига 870 миллион сўмдан зиёд пул тушган.

Аммо айрим тадбиркорлар кўп қаватли уйларнинг деворларига, светофорлар ёнига ва бошқа тақиқланган жойларда белгиланган меъёрлардан катта ҳажмдаги реклама воситаларини ўрнатиб олишган.

- Шу пайтгача шаҳримиз ҳудудида ноқонуний ўрнатилган ташқи реклама воситалари кўп эди, - дейди Самарқанд шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Акрам Эгамов. – Жорий йилдан бошлаб тузилган махсус комиссия ёрдамида бу каби реклама воситаларининг қайси ҳудудларда ўрнатилганини аниқлаб, бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Биз тадбиркорларнинг ўз маҳсулот ва хизматларини реклама қилишга қарши эмасмиз. Аммо барчаси қонуний бўлиши лозим.

Шаҳар ҳокимлиги масъуллари ОАВ вакилларининг шаҳар кўчаларидаги дарахт, симёғоч, девор ҳамда бекатларда илинаётган реклама ва эълонларни тартибга солиш борасидаги саволларига жавоб берди.

Д.ЎТАМУРОДОВ.

Худудларда нима гап?

- Самарқандга келган Бошқирдистон Республикаси Савдо ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат қўмитаси раиси Алексей Гусев бошчилигида ишбилармон доира вакиллари Самарқанд, Тойлоқ, Жомбой ва Булунғур туманларидаги интенсив боғлар ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолияти билан танишди.
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги наркотик моддаларини назорат қилиш минтақавий комиссияси ташаббуси билан Самарқанд шаҳридаги олийгоҳлар ҳамда Булунғур, Жомбой ва Ургут туманлари маҳаллаларида "Ёшлар орасида гиёҳванд воситаларнинг тарқалишига қарши кураш ойлиги" доирасида тадбир ташкил этилди.

(Батафсил: zarnews.uz сайтида)

Жаҳон айвонида

- Қозоғистон президенти қозоқлар ва дўнгонлар ўртасида можаро келиб чиққани туфайли Жамбил области раҳбарини лавозимидан озод қилди.
- Бортида 1455 сайёҳ ва экипажнинг 802 аъзоси бўлган Holland America Line компаниясига тегишли круиз лайнерини коронавирус сабабли бирорта порт қабул қилмаяпти.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН)НИНГ ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА 2019 ЙИЛ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакили (Омбудсман) Ш.Сафаровнинг 2019 йил давомида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича амалга оширган ишлари тўғрисидаги ахборотини муҳокама қилиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилганлигини қайд этади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларини янада жадаллаштириш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакили (Омбудсман) Ш.Сафаровнинг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича 2019 йил давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакили (Омбудсман) Ш.Сафаров:

фуқаролар мурожаатлари, уларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари бузилиши ҳамда эркинликларини тиклашга кўмаклашиш борасидаги ишларни жадаллаштирсин ва бу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтирсин;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини турли бошқарма ва ташкилотлар томонидан кўп маротаба бузилиши ҳолатларини мунтазам таҳлил қилиб бориш асосида бундай салбий ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва омилларини аниқлаб, уларга тўлиқ барҳам беришга қаратилган мақсадли чоралар кўрсин ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га киритиб борилишини таъминласин;

Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят Кенгаши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилоят бўлинмаси билан ўзаро ҳамкорликда имзоланган шартномалар бўйича амалга оширилган ишларни танқидий таҳлил қилган ҳолда муҳокама қилсин ва улар билан ҳамкорликда самарали фаолият олиб боришни жадаллаштирсин;

вилоят адлия бошқармаси билан биргаликда фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини оширишга қаратилган давра суҳбатлари, семинарлар ва учрашувлар ташкил этган ҳолда жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакили (Омбудсман) Ш.Сафаров мазкур қарор ижроси юзасидан қилинган ишлар тўғрисида халқ депутатлари вилоят Кенгашига ҳар чорак якуни билан ахборот тақдим этиб борсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Джуракулов) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Э.ТУРДИМОВ**

2020 йил 5 февраль
№10/2-Қ

Ҳолат

Қорадарё кўприги қачон битади?

Самарқанд шаҳрининг Оқдарё, Пайариқ, Қўшработ, Иштихон туманлари билан боғловчи асосий йўли Қорадарё дарёси кўприги орқали ўтади. Ўтган йилнинг июль ойида мазкур кўприк бироз оғиб, бир қисми чўккан эди. Шундан буён кўприкнинг бир томонида транспорт воситаларининг ҳаракати чеклаб қўйилган.

Вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасига қарашли вилоят кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси қурувчилари томонидан ҳозирда ушбу йўлни кенгайтириш мақсадида қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

Бошланишида қурувчилар яхши ишлаб, кўприкни анча жойини битказиб ҳам қўйишди. Аммо кейинги кунларда бу ерда ишлар сусайиб қолди шекилли, қурилиш олдинга силжимаяпти.

- Лойиҳага кўра, 27 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган, - дейди вилоят кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари Аҳад Ўроқов. - Ҳозиргача 14 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Кеча-кундуз ишлаб темир-бетон устунлар, 36 тонналик бетон (балка) қопламаларни ўрнатдик, монтаж ишлари бажарилди. Ҳозирда кўприкнинг деярли тенг ярми қуриб битказилди. Аммо "Қўйлиқ кўприклар темирбетон қурилмалар тажриба заводи" унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган темир-бетон қопламалар ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги сабабли ишлар орқага сурилмоқда. Тез орада қолган маблағ ҳам ажратилса, йил охиригача яна 31 дона балка олиб келиб кўприк қурилишини якунлаймиз.

Дилмурод ТЎХТАЕВ,
Ҳусан ЭЛТОЕВ
(фото).

2020 МУРОЖААТНОМА

Йил давомида бюджет тизими ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори инфляция даражасидан юқори миқдорда оширилади.

Қўмондон ёшлар билан гаплашди

Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник А.Саидов Каттақўрғон округ полигонида уюшмаган ёшлар, профилактик рўйхатда турган йигитлар билан учрашув ўтказди. Суҳбат давомида А.Саидов миллий ғурур, она юртга садоқат, ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳақида сўз юритди.

Албатта, суҳбат иштирокчилари қўмондонга турли саволлар билан мурожаат қилишди. Хусусан, ҳарбий мутахассислар тайёрлайдиган қандай олий ўқув юртлари бор? Ҳарбий хизматчилар, офицер ва сафдорларга қандай имтиёзлар берилган? Билиб-билмай ҳуқуқбузарлик содир этган ва бугун профилактик ҳисобда турган ёшлар тўғри юрса ва яхши билим олса ҳарбий бўлишлари мумкинми?

Шу каби саволларга батафсил жавоб олган ёшларга ҳарбий хизматчилар томонидан қўл жанги бўйича кўргазмали чиқиш намойиш этилди. Шунингдек, улар ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди. Ёшлар учун жанговар ҳарбий техника, қурол-аслаҳа ва ўқ-дорилар кўргазмалари ташкил этилди.

Ҳамза УМАРОВ,
Марказий ҳарбий округ тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, майор.

Таҳририятга жавоб берадилар

Ноқонуний қурилишларга ким барҳам беради?

Вилоят бош архитектори Бобур Элмуродов, вилоят давлат қурилишини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Шокир Илмуродов эътиборига!

Ноқонуний қурилишларга ким барҳам беради?

Челак шаҳри марказидаги Мотамсаро она ҳайкали атрофидаги ноқонуний қурилишлардан хабарингиз борми? Ёдгорлик атрофи обод хиёбон бўлиши керак эмасми?

Тўғри, 2017 йилда Пайариқ тумани ҳокимлиги ушбу ёдгорлик ёнидан енгил конструкцияли савдо шохобчалари қуришга рухсат берган. Аммо бу ерда шлакоблок ғиштдан савдо шохобчалари қурилаётгани амалдаги қонун-қоидаларга нечоғли тўғри келади?

Сизлардан илтимос, шу жойга мутахассис юбориб, вазиятни ўрганиб, бу тартибсизликни бартараф этиш чораларини кўрсангиз.

Собир ОРТИҚОВ,
Пайариқ тумани, Челак шаҳри.

«Зарафшон» газетасининг 2020 йил 1 февралдаги 14-сонида «Ноқонуний қурилишларга ким барҳам беради?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан вилоят қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи Ш.Илмуродов имзоси билан жавоб хати келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Вилоят қурилиш назорати инспекцияси томонидан Пайариқ тумани, Челак шаҳрида жойлашган Мотамсаро она ҳайкали ҳудудида Комила Аҳророва тегишли қурилиш объекти ваколат доирасида ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Пайариқ тумани ҳокимининг 2018 йил 23 июлдаги 1955-сонли қарори билан фуқаро К.Аҳроровага Мотамсаро она ҳайкали ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ёриткичлар ўрнатиш, кичик фавворалар ва автомобиллар тўхташ майдончаси қуриб бериш шарти билан ушбу ҳудуддан 400,0 квадрат метр ер майдони вақтинчалик енгил конструкцияли (музқаймоқ ва яхна ичимлик) павильон, суратхона ва қаҳвахона қуриш учун ажратилган ҳамда қурилиш ишларига рухсат берилган.

Вилоят архитектура ва қурилиш (ҳозирги қурилиш) бош бошқармаси томонидан архитектура режалаштириш топшириғи ва «Самвиллойиҳа» масъулияти чекланган жамияти томонидан лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилган, бошқарма ҳузуридаги архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан маъқулланган. Шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатлари «Trump proekt» масъулияти чекланган жамияти томонидан ўрганиб чиқилган ва ижобий йиғма эксперт хулосаси берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 январдаги 15-сонли қарорига асосан вақтинчалик, енгил конструкцияли қурилмалар қурилиши объектларининг мураккаблик (хавфлилик) даражасига кўра I тоифага кириши белгиланган. Бироқ фуқаро К.Аҳророва томонидан вақтинчалик, енгил конструкцияли музқаймоқ ва яхна ичимликлар павильони, суратхона ва қаҳвахона ўрнига 20,0х8,0 метр ўлчамдаги олд фасад қисми ойна, қолган томонлари шлакаблокда бажарилиб, капитал қурилиш ишлари амалга оширилган.

Ўрганиш давомида фуқаро К.Аҳроровага юқоридагилар юзасидан тушунча берилди ва белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилди. Шунингдек, Шаҳарсозлик кодексининг 20-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги "Аҳоли пунктларини қуришда шаҳарсозлик ва ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга, шунингдек, тадбиркорлик мақсадлари учун ер ажратиш тартибини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талаблари асосида ўзбошимчалик билан амалга оширилган (ноқонуний) қурилиш ишларини бартараф этиш учун инспекциямиз томонидан аниқланган камчиликлар ҳақидаги ҳужжатлар Пайариқ тумани ҳокимлигига юборилди".

ТАҲРИРИЯТДАН: *Жавоб хатидан маълум бўляптики, ҳақиқатан ҳам Челак шаҳридаги Мотамсаро она ҳайкали атрофида ноқонуний қурилишлар кузатилган. Аммо яна шу савол очиқ қолмоқда: "Ноқонуний қурилишларга ким барҳам беради?". Хўп, инспекция ўз фаолияти доирасида ҳолатни назоратига олар, аммо вазиятни ким ўнглайди? Қурилиш бошқармасими? Пайариқ тумани ҳокимлигими? Қачон? Қай тартибда? Бунга вилоят бош архитектори ва туман ҳокимлигидан аниқ жавоб кутамиз.*

Фаррошлар қанча маош олади?

«Зарафшон» газетасининг 2020 йил 18 январдаги 7-сонида «Фаррошлар қанча маош олади?» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда бюджет ташкилотларида фаолият юритувчи фаррош ходимларнинг иш ҳақи борасида фикр юритилган. Ушбу мақолага вилоят молия бош бошқармаси ҳамда Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармаси томонидан муносабат билдирилди.

ИШИНИНГ МУРАККАБЛИГИГА ҚАРАБ ҲАҚ ТЎЛАНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида"ги низом асосида тиббиёт муассасаларида ҳафтасига 40 соат ишловчи кичик тиббий ходим (фаррош)ларнинг 2020 йил 1 январдан бошлаб иш ҳақи ўртача 1 398 129 сўмдан тўғри келади.

Жумладан:

- шошилинч тез тиббий ёрдам марказлари хўжалик бекаси ва кичик тиббий ходимларига 1 114 151 сўмдан 1 593 615 сўмгача;
- шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимларининг реанимация соҳасидаги 33 соат ишловчи хўжалик бекаси ва кичик тиббий ходимларига 1 392 689 сўмдан 1 900 080 сўмгача;
- ОИТСга қарши курашиш марказининг хўжалик бекаси ва кичик тиббий ходимларига 2 005 474 сўмдан 2 172 594 сўмгача;
- силга қарши курашиш муассасалари ва бўлимларининг хўжалик бекаси ва кичик тиббий ходимларига 1 525 902 сўмдан 1 902 745 сўмгача;
- тиббиёт муассасаларининг стационар бўлимларининг хўжалик бекаси ва кичик тиббий ходимларига 997 892 сўмдан 1 317 530 сўмгача;
- тиббиёт муассасалари стационар бўлимларининг операция блоклари ва юқумли касалликлар ҳамда лабораториялардаги хўжалик бекаси ва кичик тиббий ходимларига 1 147 576 сўмдан 1 347 154 сўмгача;
- амбулатория-поликлиникалардаги хўжалик бекаси ва кичик тиббий ходимларига 968 827 сўмдан 1 279 156 сўмгача ҳисобланиб, тўланиб келинмоқда.

Умумтаълим мактабларида фаррошлик иши учун Халқ таълим вазирининг 2019 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим муассасалари ҳамда меҳрибонлик уйлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғига асосан, ҳар 350 кв.м майдонни тозалаш учун 0,5 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда штат бирликлари киритилиши белгилаб қўйилган. Шу билан бирга ўқув жараёни иккинчи сменада ҳам олиб борилганда, ушбу сменада ўқувчилар фойдаланадиган ҳар 350 кв.м. тозалаш майдони қўшимча 0,25 бирлик фаррош лавозими киритилиши кўрсатилган.

Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 13 октябрда "Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан, фаррошлар меҳнатига ҳақ тўлаш тариф сеткасининг 1-разряди қўлланилиши кўрсатилган.

Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 сентябрдаги "Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан 1-разряд тариф коэффициенти 1 га тенг, 1 штат бирлигидаги фаррошнинг лавозим маоши 2020 йил 1 февралдан 679 330 сўмни ташкил этади.

У.КАМОЛОВ,
вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Ойликдан ташқари устамалар ҳам белгиланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 июндаги "Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг 5-бандига асосан 2020 йил 1 январдан бошлаб бошқармада фаолият олиб бораётган ишчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тармоқ сеткаси Тошкент шаҳри туманларининг ободонлаштириш бошқармалари учун кўзда тутилган миқдорларда белгиланган. Бундан ташқари, ходимларнинг ойлик иш ҳақларига лавозим маошининг 15 фоизи миқдорида қўшимча устама ва ходимларга овқатланиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробари (223 000 сўм) миқдорида қўшимча ҳақ тўланади. Бунда ходимлар ишга келган кунларига қараб юқорида кўрсатилган қўшимчаларни олишлари мумкин.

2020 йил 1 январдан кўча фаррошларининг ойлик иш ҳақи миқдори 1 113 000 сўмни ташкил қилади.

Бобур АЛИЕВ,
Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи.

Бири бор экан, бири йўқ экан...

Ёхуд Бешкондаги мактаб нега 330 ўринли бўлиб қолган?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Кунларнинг бирида шу хусусида гаплар қулоғимизга чалиниб, мактабнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида бир мақола тайёрлаш истагида ижодий гуруҳимиз билан Бешкон томон йўл олдик.

Мазкур таълим муассасаси биносига кираверишда мактаб паспортига кўзимиз тушди: "Умумий қуввати 600, контингенти 565 ўқувчи, таълим икки навбатда олиб борилади". Мактабда кичик бўлса-да кутубхона, информатика хонаси, каттагина спорт зали бор экан, аммо ошхонаси, фаоллар зали йўқ экан. Физика, биология, кимё лаборатория хоналари бор экан-у, асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг иложи йўқ экан. Биз мактабга борган пайтда директор ўринбосарлари бор-у, директор йўқ экан. Шунинг учун бизга маълумотларни директор ўринбосарлари берди.

- Аслида мактабимиз 330 нафар ўқувчи ўрнига эга, - дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Маҳмуд Сулаймонов. – Айни пайтда 719 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Мантиқан ўйлаб қарайдиган бўлсак, ўқувчиларимиз икки навбатда ўқиганда ҳам синфхоналаримизга сиғмайди. Биз эса кутубхонани кичикроқ хонага кўчириш ҳисобига, шунингдек, физика, кимё ва биология лаборатория хоналаридан синфхона сифатида фойдаланиб ўқувчилар учун имконият яратиб берганмиз. Ҳаммаси бўлиб 14 та синфхона бор. Биринчи навбатда барча хоналарда дарс ўтилади, иккинчи навбатда эса 12 та хонадан фойдаланамиз. Куннинг иккинчи ярмида бор-йўғи 2 та хона тўгараклар учун хизмат қилади.

Мактаб учун зарур бўлган 6 та қозондан 4 таси бор, иккитаси йўқ экан. Биз мактабга борган куни ўша 4 та қозон ҳам ишламай турган экан. Шунинг учун ҳам айрим синфхоналардаги дарс жараёнларида ўқувчилар қишки кийимларда ўтиряркан.

- Бугун кун иликроқ бўлганлиги учун қозонларимизга ўт ёқмагандик, - дейди мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Саидқул Алпонов. – Иккинчи сабаб - келтирилаётган кўмирнинг сифатсизлиги. Яъни аксарият қисми кукундан иборат, совуқ кунларга сақлаб туриш учун иқтисод қиляпмиз. Қолаверса, айрим синфхоналаримизни иссиқлик билан таъминлашнинг имкони йўқ. Чунки мактабимизда 6 та қозон бўлиши керак. Бугунги кунгача иккита қозон келтирилмаган.

Бу масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида Ургут туман халқ таълими бўлими мутасаддилари билан телефон орқали боғландик.

- Ҳақиқатан ҳам хужжатларда мактаб 600 ўринли, деб ёзилган, - дейди бўлим бош муҳандиси Акмал Хурсандов. – Бу мактаб биноси махсус лаборатория ва информатика хоналаридан бошқа дарсларни ўтишда фойдаланилмаса 600 нафар ўқувчини ўз бағрига сиғдириши қийин. Аслида эса бу мумкин эмас. 2020-2022 йилларда Ургут туманида 4 та мактаб реконструкция қилиниши режалаштирилган. Биз ишчи гуруҳ тузиб, бу мактаб фаолиятини яна бир бор ўрганамиз. Мактабнинг иссиқлик тизими масаласида гапирадиган бўлсак, ўтган йили 4 та замонавий қозон ўрнатилди. Айрим хоналар ва спорт зални иситиш учун 2 та қозон зарур. Янги ўқув йили олдидан қозонхона муаммоси бартараф этилади.

Бешконлик ўқувчиларнинг ҳам, уларга таълим бераётган ўқитувчиларнинг ҳам орзулари бисёр экан. Жумладан, кенг ва ёруғ синфхоналарда дарс ўтиш, чанг босиб ётган лаборатория асбоб-ускуналаридан эмин-эркин фойдаланиш, дарсдан кейин, фақат қоғозларда қолиб кетаётган ўнлаб тўгараклар фаолиятини йўлга қўйишни истайдилар. Ўйлаймизки, кейинги мақоламиз Бешкон маҳалласидаги 44-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари ҳам, ўқитувчилари ҳам мурод-мақсадига етибди, деб тугалланади.

Тўлқин СИДДИҚОВ,
«Зарафшон» мухбири.

Буни қарангки, мен олмос тўйимизга қадар умргузаронлик қилиб қўйибман, денг. Кўпчилик, айниқса, ёшлар мендан қандай қилиб, шунча йил тотувгина яшадингиз, деб сўрашади. Уришмай-тортишмай яшаб бўладими, дейди баъзи қизиққонлар.

Ҳаёт айёр, бахтни осонгина тутқазмайди

Болам, менам ёш бўлганман, мениям ўзимга яраша феълим бўлган. Ёш пайтим қизлар билан учрашардим, аммо ўзимни жуда сипо тутардим. «Дом офицер» деган жой бўларди, биз ёш пайтимиз Самарқандда. Ўша ерга бориб, рақсга тушардиқ, қизларам келарди. Шаҳардаги хиёбонда ҳам рақс кечалари ўтказиларди. Чиройли бир қиз кўзимга жуда иссиқ кўрингани ўшанда. Жуда камтар, иболигина экан. Юрак ютиб, у билан танишдим, гаплашдим, қизиқишлари ҳақида билдим. Бир оилада тўрт қиз тарбияланаётганини, отаси Иккинчи жаҳон урушида вафот этганини билдим. Ўзи эса ўша пайтдаги «дошкольный» техникумни тугатиб, боғчада тарбиячи бўлиб ишлаётган экан. Менам камбағал оиладан эдим, саккиз нафар фарзандни улғайтириш билан овора эди ота-онам. Негадир шу қиз, дарвоқе, унинг исми Светлана, билан кўпроқ кўришгим, гаплашгим келарди, ҳа, чини билан севиб қолгандим мен.

Лекин... лекин шу орада армияга, хизматга чақириб қолишди. Наилож... Аввал Таллинда 8 ой хизмат қилиб, у ердан тажрибали ҳайдовчиларни Ленинградда хизмат қилиш учун танлаб олишди. Светлана билан ёзишиб турдик, унинг сурати доим ёнимда эди.

Бир куни унинг ўзи Ленинградга келса бўладими?! Кутмагандим, кўнглим ёришиб кетди. Қийинчилик билан бўлса-да, мени кўришга, табиийки, бошқа ҳеч ким билан учрашмаётганимга амин бўлишга келибди. Шаҳарни айланиб, хизматдан қайтганимдан сўнг тўй қилишга келишиб, хайрлашдик.

Уч йиллик хизматдан қайтгач, одмигина тўй қилдик. Тўйдан кейин бир ой ўтиб, мен автобус паркига ишга кирдим, у эса боғчада тарбиячи бўлиб ишлашда давом этди. Кўп қаватли уйлардан бирида, бир уйда ўн киши яшардик. Бирин-кетин рўзғоримизни тўлдира бошладик. Қошиқ сотиб олсак ҳам хурсанд бўлардик. Орадан вақт ўтиб, тўнғич ўғлим туғилди. Светланадан ўғлим учун жуда миннатдор эдим. Учаламиз бирга кўчага чиқсак, ҳамма ўғилчамизга ҳавас билан қарарди: отасининг ўғлида!

Йиллар ўтди, бирин-кетин иккинчи, учинчи ўғлимиз туғилди. Етишмовчиликлар бўлиб турарди тез-тез, аммо рафиқам ҳеч қачон нолимасди. Аксинча ишга боришим учун доим топ-тоза кўйлак, шим, дастрўмолчагача тайёрлаб қўярди. Корхонадагилар ишга доим байрамга келгандек ясаниб келишимдан ҳайратга тушишарди. Бу Светамнинг меҳри туфайли эди. Кейинчалик ўз уйимизга кўчиб чиқдик, оилавий йиғилишларимиз ҳар доим байрамдай бўларди. Фарзандларимизнинг яхши баҳолари, улғайишини уйда, оилавий даврада, аямиз пиширган пиширириқлар билан безалган дастурхон атрофида нишонлардик.

Ҳаёт айёргина, бахтни осонгина, қулай идишда сизга тутқазиб қўймайди. Кези келганда сабрли бўлиш керак, кечира билиш ҳам фазилат, ҳалол бўлсангиз омад албатта, эртами кечми кулиб боқади ва энг муҳими – ОИЛАнгизни севишингиз керак. Уч ўғил, етти невара ва етти нафар эвара – мана бизнинг бебаҳо бойлигимиз. Мен қариянинг гапига қулоқ тутинг: оилангиздан яқинроқ дўст бўлмайди, аммо унга вақтида меҳр беринг, акс ҳолда... Йўғ-э, газета ўқийдиган одамлар албатта оиласи қадрига етадиганлар бўлса керак. Ҳа, шундай қилинг, кейин менга ўхшаб олмос тўйларни нишонлаб, 83 ёшга кирасиз.

Тарас КАРИМОВ.

Таҳририятдан: *Тарас Каримов ўзи ёзганидай асли касби ҳайдовчи. Тажрибали ҳайдовчиликдан шу соҳанинг лавозимли вазифаларида ҳам ишлаб келган. Аммо доим газета билан ҳамнафас. «Самаркандский вестник» газетасининг фаол муаллифларидан бири. У турли мавзулардаги, айниқса, транспорт соҳасидаги камчилик ва муаммоларни доим биринчилардан бўлиб, газета саҳифаларида ёритиб келади. Жонкуярлиги, оилапарварлиги билан атрофдагиларнинг эътиборига тушган. Отахонни улуғ ёш билан табриклаб, у кишига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаб қоламиз.*

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

"BEST REALTOR"

масъулияти чекланган жамияти Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Савдога «SAMARQAND DORI-DARMON» АЖ бошқарувининг 12.02.2020 йилдаги МВ-11/58-сонли буюртманомасига асосан «SAMARQAND DORI-DARMON» АЖга қарашли қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1) Нуробод шаҳри Мустақиллик кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 1077,35 кв.м., қурилиш тагидаги майдони 456,95 кв.м., фойдали майдони 1134,49 кв.м.ни ташкил этган **20-сонли марказий дорихона биноси** (ер майдонисиз). Бошланғич баҳоси - 775 226 400 сўм.

2) Иштихон шаҳри Иштихон маҳалласи, Иштихон кўчаси ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1419,8 кв.м., қурилиш тагидаги майдони 512,44 кв.м., фойдали майдони 1137,79 кв.м.ни ташкил этган **14-сонли марказий дорихона биноси** (ер майдонисиз). Бошланғич баҳоси - 3 500 000 000 сўм.

3) Ургут шаҳри Камардон маҳалласи Навоий шоҳкўчаси, 1-"А" уйда жойлашган, умумий майдони 1963,56 кв.м., қурилиш тагидаги майдони 507,43 кв.м., фойдали майдони 1151,3 кв.м.ни ташкил этган икки қаватли, ертўлали, **7-сонли марказий дорихона биноси** (ер майдонисиз). Бошланғич баҳоси - 3 005 100 000 сўм.

Савдо 2020 йил 16 март куни соат 11:00 да савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда - Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун буюртмалар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб, расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2020 йил 13 март куни соат 18:00.

Юқоридаги кўрсатилган мулклар 2020 йилнинг 16 март куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 2020 йилнинг 31 март ва 15 апрель кунлари соат 11:00 да Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уйда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо санасидан бир кун олдин соат 18:00 да (13:00 дан 14:00 гача тушлик) тўхтатилади. Аукцион савдоси натижалари савдо ўтказилган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.

Ушбу мулклар ҳамда уларга тегишли ҳужжатлар билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишингиз мумкин. Мулк сотувчисининг манзили: Паст Дарғом тумани Дўстлик массиви Ертешар кўчаси, 1-уй.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Аукцион савдоси натижалари савдо ўтказилган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади. Савдо натижасига кўра савдо ғолибига 10 кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ҳамда шартнома шартларига кўра тўловларни амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Best Realtor" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/р: 20208000400433601008 МФО: 00262, СТИР: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган ва савдода иштирок этиш учун буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уй. Телефонлар: +99893-331-70-80, +99890-212-60-01. Расмий сайтимиз: www.emulk.uz, электрон почта манзили: best.samarqand@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Худойкулов Намозга (2010 йил 7 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси.

* * *

Самарқанд шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида марҳум Исмаилов Октамга (2018 йил 9 ноябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида марҳум Хасанов Мирзо Бахтияровича (2019 йил 6 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Ибрагимов Али Абдул Оглыга (1998 йил 24 июнда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

* * *

Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Ашуров Журабек Актам ўғлига (2018 йил 19 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси, Алишер Навоий кўчаси.

* * *

Самарқанд шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида марҳум Рахимов Акрамга (2018 йил 20 ноябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Гарм кўчаси, 1-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида марҳум Амонов Комил Собировичга (2020 йил 17 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

* * *

Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Султанов Тувалга (2012 йил 19 декабрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси.

* * *

Самарқанд туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Исматов Негмат Тохировичга (2019 йил 28 майда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Равонак маҳалласи.

* * *

Самарқанд шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида марҳум Набиев Рустам Муродовичга (2019 йил 31 октябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида марҳум Гайнетдинов Идаиль Хисамутдиновичга (2018 йил 6 ноябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

* * *

Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Умаров Туробга (2012 йил 6 апрелда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.

* * *

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд шаҳридаги 55-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Исабекова (ҳозирда Багирова) Гузал Равшан қизи номига берилган U № 3663911 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 55-умумий ўрта таълим мактабидан 1999 йилда Очилова (ҳозирда Позднякова) Умида Муратовна номига берилган O'R-E № 166641 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Абдамитова (ҳозирда Нишанова) Фируза Абдимонатовна номига берилган O'R-A № 1475637 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 89-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Дустова Сарвиноз Абдулаевна номига берилган U № 1684556 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабидан 2017 йилда Эркинов Маъмуржон Икромжон ўғли номига берилган U № 7948599 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Эркинов Маъмуржон Икромжон ўғли номига берилган UM № 0152692 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Эркинов Маъмуржон Икромжон ўғли номига берилган D № 0149951 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 80-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Ашуров Улуғбек Даврон ўғли номига берилган U № 6891167 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабидан 2016 йилда Омонов Жаҳфар Абдуқодир ўғли номига берилган U № 7459599 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги собиқ 25-(ҳозирги Самарқанд шаҳридаги 69-)умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Ширинов Улугбек Зиёдиллаевич номига берилган U № 1097716 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ касаба уюшма кенгашларининг жамоалари "Эрудит" МЧЖ ижодий маркази таъсисчиси Беҳзод Зокировга онаси

Салима АБДУРАҲМОНОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

БОЛАГА КИТОБ БЕРИНГ!

Ҳаёти жасорат намуналари билан тўла

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

"Аждодларимизнинг кўпчилиги фидойиликни унутиб, йўқ бўлиб кетди. Ўғил отани ўлдиради. Оға инига хиёнат қилади. Оқибатда бари разолатнинг қурбони бўлди. Ундан кўра, яхшиликнинг фидойиси бўлган яхши эмасми? Сен ҳам энди иниларинг-у авлодларингни мардликка, фидойиликка ўргатгин."

«ХАТ БИТУРДА ТАКАЛЛУФ ҚИЛМА...»

"Бобурнома"да ёзилишича, Бобурнинг ота сифатида ўз ўғиллари тарбиясидан ҳамиша ҳам кўнгли тўлмаган. Улар орасидаги нифоқ айрим пайтларда душманликкача етиб борган. Оға-инилар ўртасидаги мулк талашиш, хулқидаги салбий жиҳатлар ота сифатида уни ҳамиша ташвишга солган. Бу борада Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган мактуби муҳим аҳамиятга эга. Мазкур мактуб Бобурнинг вафотидан икки йил олдин Ҳумоюнга жўнатилган.

Бобур ўзининг ушбу мактубида бошқа бир қатор масалалар билан биргаликда фарзандларнинг ўз оталаридан вақтида хабар олиб туриши масаласи ҳам жиддий ўртага қўйилган: "Яна сендин озроқ гинам бор, бу икки-уч йилдан бери бир кишинг келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йили сўнгра келди. Мундоқ бўлурму? Яна хатларингда ёлғузлуқ, ёлғузликким дебсен, подшоҳлиқта айбдур... Ҳеч қайда подшолиқ қайдича йўқтур. Подшоҳлик била ёлғузлуқ рост келмас".

АЁЛИНИ КУТИШГА ПИЁДА ЧИҚҚАН ШОҲ

Бобурнинг оилага бўлган чексиз меҳрини унинг қизи Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома" асаридаги бир ҳолат ҳам тасдиқлайди. Шоҳ Бобурнинг Аградаги саройига унинг хотини Моҳимбегим ўз ҳамроҳлари билан келади. Шунда Бобур Моҳимбегим минган отнинг жиловидан тутиб саройгача пиёда келганлиги, бу учрашувга қанчалик ошиққанлигининг ўзи бу буюк шахснинг ўта оилапарвар эканлигини кўрсатади: "... намозшом пайтида бир киши келиб, "Ҳазратни икки кўрва нарида қолдириб келдим" деди. Подшоҳ Бобом ҳазратлари то от келтурганларигача сабр қилмай, пиёда йўлга тушиб Моҳим уйлари олдида биз билан учрашдилар. Онам отдан тушмоқчи бўлдилар, лекин подшоҳ Бобом қўймасдан, ўзлари онамнинг отларининг жиловларидан ушлаб, ўз уйларига етгунча пиёда келдилар".

Гулбаданбегим Бобурнинг қариндош аёлларга бўлган эҳтироми хусусида қуйидагиларни ёзган эди: "Подшоҳ ҳазратлари Агра шаҳрида тўрт йил турдилар. Ҳар жума куни аммаларини кўргани борар эдилар. Бир кун ҳаво ниҳоятда иссиқ эди, онам ҳазратлари: "Бугун ҳаво ниҳоятда иссиқ, агар жума куни кўргани бормасангиз, нима бўлади, бегимлар бундан хафа бўлмасалар керак", деб сўрадилар. Подшоҳ онамга жавоб бериб мана бундай дедилар: "Моҳим, Сиздан бу гапнинг чиқиши таажжубдир. Ҳазрат Абу Сайид Мирзонинг қизлари ўз ота ва биродарларидан жудо бўлиб, бу ерга келган, агар мен уларнинг кўнглини олмасам, унда нима бўлади".

МАХФИЙ ВАСИЯТНОМА

Бобур 1529 йил 11 январда ўғли Ҳумоюнга ёзган махфий васиятномасида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: "Эй, фарзандим, Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан маъмур бўлган (ташкил топган). Аллоҳ таоло буни Сизга каромат этди. Сиз мазҳабларни ёмон кўришдан дилингизни пок тутинг. Ҳар мазҳабнинг тариқасига (йўлига) адолат қилинг. Хусусан, Ҳиндистоннинг қалбини қўлга киритаман десангиз, сигир сўймоқдан ўзингизни тийинг. Бу яхшилигингиз (эҳсонингиз) эвазига шу вилоят аҳлининг қалби ҳам Сизга яқин бўлади. Қўлингиз остидаги ҳар қавмнинг ибодатгоҳларини ва муқаддас жойларини хароб этманг. Шундай одилликни ихтиёр этингки, подшоҳ раиятдан ва раият подшоҳдан осуда бўлсин. Исломнинг тараққиёти эҳсон қиличидан яхшироқ бўлади, зулм тиғидан эмас. Сунний ва шиа ўртасидаги жанжаллардан кўзингизни юминг. Салтанатнинг жисми турли маразлардан тинч бўлсин: Подшоҳлик ишларини пухта қилиш учун ҳазрат Амир Темур Соҳибқироннинг ишларини кўз олдингизда тутинг".

Мана шунинг ўзиёқ Бобурнинг диний бағрикенглиги, энг юксак инсоний фазилатлар соҳиби эканлигидан дарак беради.

Умуман, "Бобурнома"да ва бошқа назмий асарларида бобокалонимиз оилада фарзанд тарбияси, жамиятда ота ва онанинг муқаддас ўрни ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирган. Бобур асарларида авлодлар тарбиясининг бешиги бўлган оила ва у билан боғлиқ қарашлар ғоятда хилма-хилдир. Лекин асрлар синовидан ўтган анъаналар ўз моҳиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Балки биз учун, келажак авлодлар учун ибрат ва сабоқ бўлиб қолаверади.

Ўтан ТЎХТАМИШЕВ,
СамИСИ доценти,
Шавқиддин АБДИРАШИДОВ,
СамИСИ ўқитувчиси.

Филология фанлари доктори Абдуназар Пардаев *(ўртада)* рус тили грамматикаси бўйича мамлакатдаги таниқли олимлардан бири эди.

Гарчи эрта вафот этган бўлса-да, у Самарқанд педагогика институти ва СамДУда ўз фани йўналишида кўплаб қўлланмалар яратди, шогирдлар тайёрлади.

Бундан ўн йиллар аввал олинган ушбу суратда А.Пардаев пойтахтдаги ҳамкасблари билан янги қўлланмасини муҳокама этаётгани акс эттирилган.

Ёшлар нега китоб ўқимайди?

Ўқувчиларнинг замонавий техникаларга, кўплаб имкониятларга бой қўл телефони ва интернетга асосий вақтини сарфлаган ёшлар ўқиш ва дарс тайёрлашни унутиб қўяётгани барчамизни ўйлантирмоқда. Ўқитувчи сифатида кузатувларимдан келиб чиқиб айтаманки, ўқувчиларнинг 15-20 фоизигина иқтидорли, илмга ташна ёшлар, қолганларининг билими ҳаминқадар. Бунга ҳаётимдан бир-иккита лавҳани мисол келтирмоқчиман.

КИЕВ ҚАЕРДА?

Автобус бекатида икки йигит гаплашиб турган экан. Улардан бири Киев ҳақида гапирди. Иккинчиси эшита туриб, Киев ўзи қаерда эканлигини сўради. Мени таажжублантиргани, Киев ҳақида тўлқинланиб гапираётган йигитнинг ўзи ҳам бу тўғрисида маълумотга эга эмас экан.

- Ўғилларим, мактабда ўқигансизларми? - деб сўрадим.

- Ҳа, 11-синфни тугатганмиз, - деди йигитлардан бири.

- Наҳотки, мактабда Киев Украинанинг пойтахти эканлигини тарих, география фанларида ўтмаган бўлсангиз, - дедим куюнчаклик билан. – Ҳозир айни ўқиб, ўрганадиган вақтингиз. Ўқинг, кексайгач, афсусланасиз.

Йигитлар мулзам тортиб ерга қаради. Демак, ҳали ҳам вақт бор...

КИТОБ ЎРНИГА КИНО

Ёшларнинг китоб ўқишга меҳрини оширишда ота-онанинг ўрни катта. Агар она алласи билан болалар қалбига меҳр инса, эртаклар орқали уларнинг маънавий олами шаклланади. Афсуски, бугун фарзандига эртак айтиб берадиган оналаримиз кам. Китоб дўконига фарзандини олиб борадиган ота-оналар бармоқ билан санарли.

Бир йигит фарзанди билан бозор айланиб юрганда, ўғли китоб пештахталари олдидан ўтаётиб, эртак китоб олиб беришини сўради. Отаси бундан ранжиб, "Китобни нима қиласан, сенга зўр кинолар дискини олиб бераман", деди.

Мана сизга маънавий қашшоқлик. Ахир фарзандига тўғри йўлни кўрсатадиган ота-она эмасми? Яна фарзандининг яхши таълим олмаётганидан нолишади.

Ота фарзандига замонавийлик белгиси сифатида диск олиб бериб, фарзандини билимсизлик уммонига, маънавиятсизлик гирдобига ташлаётганини наҳотки билмаса? Ахир эртаклар эмасми ёш авлоднинг тасаввур оламини бойитиб, дунёга яхшилик кўзи билан қарашга ундайдиган.

КИТОБ ТАЙЁР, АММО УНИ НАШР ЭТИШ-ЧИ?

Уйда ота-она фарзандига бадиий китоб ўқиши учун муҳит яратиши, ўзи ҳам китоб ўқиб ўрнак бўлиши керак. Боғча ва мактабларда турли тадбирлар ўтказиб, болаларни китобхонликка жалб этиши лозим.

Тўғри, болалар адабиёти, китоблар танлови борасида ҳам муаммоларимиз бор. Яхши асарларни чоп этиш, болаларбоп бадиий асарлар ёзиш, улар учун танловлар эълон қилиш вақти келмадими?

Яқинда китоб дўконидан жилдида йиғлаб турган боланинг сурати туширилган китобни олдим. Муаллифига қарасам, туманимизда кўпчилик яхши танийдиган 85 ёшли отахон, доришунос Мирзо аканинг сурати экан. Уйга келиб, овқатланиб бўлгач, китобни ўқий бошладим. Асарда ёш йигитнинг 4-5 та бўрининг ичида қолиб кетгани, очарчилик пайтлари ҳақида экан. Умуман, воқеалар ривожи кишини китобга боғлаб кўяди. Отахоннинг доришунос эканлигини билардим-у, ижодкорлигини билмас эканман. Китоб оиламизда қўлма-қўл бўлди.

Барчамизда бир савол пайдо бўлганди. Иккинчи қисми қачон чиқар экан?

Бир куни Мирзо акани учратиб қолдим. У киши билан суҳбатимиз китоб ва унинг давоми ҳақида бўлди.

- Асар воқеалари афсуски, яқин ўтмишимизнинг бир бўлаги, - деди Мирзо ака. – Барчаси кузатувларим маҳсули. Насиб бўлса, китобнинг давоми яқин орада чиқади. Китоб чиқариш бир мунча қийин жараён экан. 90-100 саҳифали китобнинг донаси 15-16 минг сўмдан тушади. "Ҳаёт сўқмоқларида ёки бир неча ўлимдан қолиб..." номли китобимнинг иккинчи қисми ҳам нашрга тайёр. Аммо маблағ йўқлиги сабабли ортга суриляпти...

Суҳбат асносида Мирзо ака китобнинг биринчи нашри ҳам оммабоп бўлгани, унда бўқоқ, бўғимдаги тузларни даволаш, туғма бўлмаган букриликнинг халқона давоси барчани бирдек қизиқтирганини айтди. Китобдаги барча муолажалар олдин Мирзо аканинг ўзида синалган экан. "Шундай ҳаётий китобни чоп эттиришга отахонга кўмак берадиган ҳомийлар топилса эди", деб ўйлаб қолдим.

Таклиф бор жойда талаб бўлади, дейишади. Бугун замонавий технологиялар ривожланган даврда ёшларнинг китобга муносабатини ўзгартириш орқали мазмунли китобларни кўпайтириш мумкин. Шундай экан китобга бўлган муҳаббатни янада оширайлик.

Марди ЭРГАШЕВ,
нафақадаги педагог,
Пайариқ тумани.

Ўқувчилар танловларда фаол. Бунинг сабаби нимада?

Бу саволга ҳеч иккиланмай мактабимизда ташкил этилган кутубхонанинг ўрни катта эканлигини айтишим мумкин.

Чунки китоб инсонни маънавий камолотга етказиб, илмий салоҳияти, маънавий оламини бойитади. Кутубхонамиз 40 ўринли бўлиб, кенг ва ёруғ. Ундаги 1200 дан зиёд бадиий, илмий-оммабоп асарлар, қизиқарли эртаклар ўқувчилар, ўқитувчилар ва аҳоли маънавий оламини бойитишга хизмат қилмоқда.

Яқинда ўқувчилар ўртасида "Менинг севимли китобим" мавзусида тадбир ўтказдик. Унда ҳар бир ўқувчи ўқиган китоблари ҳақида тенгдошларига гапириб берди. Эртасигаёқ бошқа ўқувчилар ҳам тадбирда таҳлил қилинган китобларни сўраб келди. Бу ҳам ёшларнинг китоб ўқиш маданиятини шакллантиришга, тенгдошларининг китоб ўқишга муносабатини ўзгартиришга бўлган қадамидир. Мактабимизнинг китобсевар ўқувчиларидан бири Зулфина Юсупова Регистон ўқув маркази томонидан ташкил этилган "Мени ўзгартирган асар" эсселар танловида республикада иккинчи ўринни қўлга киритди. Албатта, бу ютуқлар бежиз эмас.

Шунингдек, кутубхонамизда тарихимизда ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир олимлар ҳаёти ва ижодига бағишланган турли тадбирлар, ижодий кечалар, жамиятда ўз ўрнига эга бўлган инсонлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Бундай давра суҳбатлари ёшларнинг она Ватанга, китобларга бўлган меҳрини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ҳулкар НИШОНОВА,
Пахтачи туманидаги
18-умумий ўрта таълим
мактаби АРМ
мутахассиси.

Болалар ота-онаси билан шеър ўқиди

Яқинда ўқувчиларим учун ташкил этилган тадбирга уларнинг ота-оналарини ҳам таклиф этдим.

Унда Ҳамид Олимжон, Зулфия, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф ижодидан "занжир" усулида шеърлар янгради. Муҳими, ўқувчилар бу шеърларни ота-оналари билан бирга айтишди.

Якунда "Энг кўп шеър ёд олган ўқувчи", "Сухандон ўқувчи", шунингдек, "Шеърият шайдоси" ва "Энг яхши китобхон" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга мактаб маъмурияти китоблар тўплами тақдим этди.

Дилдор ФАЗОИРОВА,
Самарқанд шаҳар
51-ихтисослашган
давлат умумтаълим
мактаби
ўқитувчиси.



ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН БИРОРТА ХАТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Zarafshon
Самаркандский вестник

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 337 нусхада чоп этилди. Буюртма 112

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙИТОВ.
Навбатчи: Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009